

Тақдиримсан, бахтимсан, эрин ва обод Ватан!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

ЗЕЧЕ НАШМАСИ

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 8 (203)

2012 YIL, SENTYABR

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



Янги ўқув йилингиз муборак бўлсин!



3 сентябрь куни институтимизда 2012-2013 ўқув йилининг бошлинидан дарак берувчи биринчи кўнғироқ янгради.

Юртимиздаги барча таълим масканларида бўлгани каби янги ўқув йили “Мустақиллик дарси” билан бошланди. “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” гояси мужассам этилган дастлабки дарс соатларида профессор-ўқитувчиларимиз, талаба ёшларимиз мамлакатимида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидан мамнунликларини фарх ва ифтихор билан тилга олиб, яратилган кулаг шароитлар ва бекиёс имкониятлар учун юртбошимизга яна бир бор ўз миннатдорчиликларини изкор этдилар.

Суратда: 3 сентябрь – биринчи кўнғироқ танталари акс эттирилган.

Х. Носиров сурати

Хурматли
профессор-
ўқитувчилар,
азиз талабалар!

Жиззах Давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмалари ва хотин-кизлар қўмиталари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошлангич ташкилоти Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги ва 2012-2013 ўқув йили билан муборакбод этади.

Сиз азизларга энг эзгу тилакларимизни йўллар эканмиз, барчангизнинг оиласарингизга тинчлик, хотиржамлик, бахт ва саодат, педагогик фаллиятингизда муваффақиятлар тилаймиз!

ТАНИШИНГ, ФАН ОЛИМПИАДАСИ ФОЛИБЛАРИ

2012 йилги Республика
фан олимпиадаси
2-босқичида фахрли ўринларни
эгаллаган институтимиз талабаларини
юксак ютуқлар билан кутлаймиз

КИМЁ фани бўйича

1	Мирзакобилов Икром Умарович	Табиатшунослик факультети, биология йўналиши, 2-курс	Илмий раҳбари доцент М. Султонов	1-ўрин
---	-----------------------------	--	----------------------------------	--------

НЕМИС ТИЛИ фани бўйича

2	Салиева Феруза Абдунабиевна	Хорижий тиллар факультети, инглиз тили ва адабиёти йўналиши, 4-курс	Илмий раҳбари доцент А. Бойматов	2-ўрин
---	-----------------------------	---	----------------------------------	--------

ТАСВИРИЙ САНЬАТ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ фани бўйича

3	Абзойиров Мурод Баратович	Тасвирӣ санъат ва меҳнат таълими факультети, тасвирӣ санъат ва мухансиллик графикаси йўналиши, 2-курс	Илмий раҳбари доцент К. Зойиров	2-ўрин
---	---------------------------	---	---------------------------------	--------

МУСИКА НАЗАРИЯСИ фани бўйича

4	Абдуқодирова Малоҳат Абдусамат кизи	Педагогика-психология факультети, музикӣ таълим йўналиши, 2-курс	Илмий раҳбари ўқитувчи А. Маматқулова	3-ўрин
---	-------------------------------------	--	---------------------------------------	--------

16/5/2012
55

Мулоҳаза

Китоб ва
компьютер

Бугунги тур-
муш тарзимиз-
ни компьютер-
сиз тасаввур
этиш кийин.
Зарур дакика-
ларда улар-



дан беминнат фойдаланамиз, бил-
маганларимизни ўрганамиз. Кис-
каси, бўш колдик дегунча интернет-
дан нималарни излашга туша-
миз. Умуман айтганда, компьютер
афзалликлари бисёр. Айниқса, у
вактни тежайди, бирон-бир маълу-
мот керак бўлиб колса, интернет
орқали барча маълумотларни ўти-
ган жоҳда, тез фурсатда топиш
мумкин.

Мактаб ёшидаги ва ундан кичик ёшдаги болалар учун чекловларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, интернетдаги керакли маълумотлар билан бир қаторда кераксиз манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Интернет каби «беминнат дастёр» дан ёшлар мақсадсиз фойдаланиши оқибатида бўлар-бўлмас зарарли ғояларни ўзлаштириб олишлари ҳам сир эмас. Интернетдан кимнингдир ғояларини кўр-кўёна ўзлаштирасдан кўпроқ китоб ўқиб, ўз шахсий фикрига эга бўлиш, фикрлаш доирасини кенгайтириш лозим. Шундай экан, инсон интеллектуал салоҳиятини ошириш учун компьютер билан бир қаторда китобдан ҳам ўз ўрнида фойдаланиши зарур. Шундай соҳалар, касб-корлар борки, улар учун китобга қараганда, интернетдан фойдаланиш афзалрок. Чунки, нима бўлганда ҳам китобда берилган маълумотларга нисбатан интернетдаги маълумотлар кун сайин янгиланиб боради. Бу билан китоб ўқиши бефойда демоқчи эмасман, зеро, фойдали китоб инсон маънавиятини оширувчи кучли воситадир. Ёшларга компьютер билимларидан сабоқ бериш, уларни жамиятга фойдаси тегадиган етук мутахассис қилиб тарбиялаш жуда муҳим вазифа. Лекин шу ўринда ёшларимиз илмий ва бадиий адабиётларни мутолаа қилишдан воз кечишлиари мутлақо хотүғри.

Ёши улуг кишилар «канча кўп китоб ўқисанг, камолотга етасан. Фикринг улғаяди, оқдан қорани ажратадиган бўласан», деб жуда кўп насиҳат қилишади. Чиндан ҳам китоб билан компьютернинг ўрнини таққослаб бўлмайди, уларнинг ўрнини фарқлай билиш зарур.

Китоб ўқиган одамнинг ақли ривожланади, нутқи равон бўлади. Бирон-бир китобни кўлга олиб варакласангиз, ундаги сатрлар уммон мавжлари сингари тўлқинланиб, аста-секин сизни ўзига ром этади.

Шундай экан, замон билан ҳамнафас бўламан деб, буюк аждодларимиз яратган адабий манбалардан йироқлашмасдан, замонавий техника воситаларида фойдаланиш баробарида бўш вақтимизни китоб ўқишга, ақлий салоҳиятимизни бундан-да ривожлантиришга сарф этасак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сожида АБДУЛҲАҚИМОВА,
Бошлангич таълим ва
спорт-тарбиявий иши
йўналиши 2-босқич талабаси

Дено халқимиизда бир гап бор. «Мехмонни кийимига караб кутиб олишади, гап-сўзига караб кузаб кўйишади». Энди бир тасаввур килиб кўринг. Сиз бир хонадонга ўзингизга ярашган, чиройли кийимларнингизни кийиб, ташриф буюрдингиз. Аммо, у ерда айтилган иккى оғиз ножӯя гап хонадон эгасида сизга нисбатан туғилган илк тасаввурларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Жамиятимизда муомала маданияти жуда катта аҳамиятга эга.

Хўш, муомала маданияти хакида нималарни биласиз?

АХЛОҚ – ОДОБ МАВЗУИДА

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ:

— у ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Инсоният-
нинг муо-

мала қуороли тил бўлиб, одамлар бир-бирлари билан бўладиган барча муомала ва мулоқотларини сўзлашиб ёрдамида амалга оширади. Сўз – бу қудратли куч. Бизга билим берадиган сўзлар, айниқса, ҳамма нарсадан азиздир. Ҳар қандай миллатнинг маданияти, маънавияти қайдаражада бўлишида сўзлашув одоби катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай онгли инсон борки, у муомала одоби ҳақида ўзига яраша маълумотга эга. Жамоат жойларида ўзини тута олиш, атрофдагилар билан хушмуомала бўлиш, энг аввало, салом бериш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

«Башарият учун берилган бирдан бир ҳақиқий неъмат – бу бир-бирлари билан мулоқотдир», - дея таъкидлаган ёзувчи А. Сент Экзюпери. Биз инсонларнинг қандайлигини уларнинг кўринишларидан эмас, балки мазмунли сұхбати ва муомала маданиятидан билиб оламиз. Инсонлар бир-бирлари билан ўртоқлашадилар, сирлашадилар, фикр алмашадилар. Мана шундай пайтда ўйлаб гапириш, сұхбатдошининг ўшига, кайфиятига қараб муомала қилиш зарур. Уйда эса ота-онага, ўзидан катта инсонларга бақириб гапири маслик лозим. Чиройли сўзлай билиш, тинглаш ҳам бир санъатdir. Киши қанчалик камгап, доно, ақлли бўлса, унинг

сұхбатидан баҳраманд бўладиган инсонлар сафи янада кенгаяди. Аксинча, ҳаддан ташқари кўп гапирадиган, ўзи ҳақида узундан узоқ сўзлайдиган инсонлар ҳеч кимга ёқмайди. Ҳар қандай сұхбатларда сукут сақлаш ва эътиборли бўлиш энг муҳим хислатлардан саналади. Ҳар бир арзиган ва арзимаган нарсага қаҳқаҳа уриб қулавериш тўғри эмас, сұхбатдошларни масхаралаш, лақаблари билан чақириш одобсизлик саналади.

Инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, хулқ-атвори, муомаласи, одоб-ахлоқи, маданияти, унинг тили орқали юзага чиқишини ҳар вақт, ҳар ерда эсда тутишимиз лозим. Киши қайвазият, қай шароитда сўзламасин, биринчи навбатда сўз мантиғига, маъносига, самимийликка аҳамият бериши зарур. Бежизга доно ҳақимиз: «Яхши гапга илон инидан, ёмон гапга пиҷоқ қинидан чиқади», - дейишмаган. Яна шундай ҳикоят борки, Ибн Сино ҳакимларга шундай таълим берган экан: «Берган дорим шифо бўлади десанг, хато қиласан. Даво, аввало, ширин тил, хуш муомала, кулги-табассум билан қилинади. Бемор кўпол бўлса, ҳаким мулојим бўлиши, bemor заҳар бўлса, ҳаким ширинзабон бўлиши, bemor ноумид бўлса, ҳаким умидли бўлиши, bemor хўмрайса, ҳаким

кулиши керак. Ҳакимда шулар бўлмаса, у ҳаким эмас, балки ўлимни яқинлаштирувчи бир кимсадир».

Донолар муомала маданиятида куйидаги одоб қоидаларига риоя қилиш кераклигини таъкидлаганлар: «Аввали, бемаврид гапири маслик. Иккинчидан,

тахрибага эга устозларни ҳурмат қилиш ўрнига бақириб, уларга ҳурматсизлик қиладилар. Маъруза тинглаш давомида диккат билан эшитиш ўрнига гаплашиб ўтиришади. Кейин дарс эсига тушиб қолса: - нима эди? - деб бошқаларга ҳалақит бериб, ғашига тегади. Айниқса, бу ҳолат қизларда ҳам кузатилиши ачинарли ҳолат, албатта. Ахир, ўзбек ҳалқида қизлар

азал-азалдан ҳаё, ибо тимсоли, ақлли, одобли, хушмуомала деб таърифланиб келинади. Шуни истардимки, қизларимизга берилган бундай таърифлар ўрнини бошқа сўзлар эгалламасин.

Ҳақ гапни гапириш, ўз фикрини мустақил баён қилиш замон талаби бўлса-да, ота-боболаримиздан қолган удумларга амал қилган ҳолда, ўзидан катта инсонлардан олдин сўзламаслик, айниқса, оиласда ота-она фикрига кўпроқ амал қилиш – биз ўзбекларга хос одат. Илтимос, кечиринг, узр, лаббай, раҳмат каби сўзларни ўз ўрнида ишлатиш яхши самара беради. Зеро, сўзни ўрнида қўллаш, кишиларнинг дилига озор бермасдан гапириш, равон сўзлаш биз, бўлғуси педагоглар учун зарур шартлардан биридир. Устозлар, отабоболар ўғитига амал қилган ҳолда, сўзлашишда маданиятили бўлайлик!

Оқиллар наздида гар ўлтириш одобдир,
Маслаҳат ташлагандан
сўзга кўрсаттил химмат.
Икки нарса ақлга сиф-
майди агар билсанг,
Сўзлаш пайти сукут-у,
кераксиз жоҳда сұхбат.

(Саъдий Шерозий)

Шахноза ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбек тили ва
адабиёти йўналиши
202-гурух талабаси

мавжудот, она табиат ва инсон муносабатлари на-
тижасида юзага келадиган, айни пайтда одам боласи бошига турли хил ташвишлар ёғдира-
ётган муаммолар, уларнинг ечимлари тўғрисида фикр юритилади.

Рисолани институтимиз илмий кен-
гаши нашрга тавсия этган.

Г. АХМАДОВА

ЭКОЛОГИК МУАММО - БАРЧАНИНГ МУАММОСИ

Жиззахдаги «Сангзор» нашриёти институтининг тарих ф-
культетида фаолият олиб бораётган олим, фалсафа фанла-
ри номзоди Зухра Бозорбоеванинг «Экологик муаммо: ечим
ва сабоқлар» номли кўлланмасини чоп этди.

Олий ўкув юртлари талабали-
ри, ўқитувчилари ва кенг китоб-
хонлар оммасига мўлжалланган

рисолада бизни қуршаб олган ва бе-
ниҳоя хилма-хил шакл ҳамда кўриниш-
ларга эга бўлган моддий олам, бутун

КЕЛАЖАК ОВОЗИ – бу сенинг интилишиңг

Кадрлар фарзандларим, хеч қачон унутмаш: Сиз кимниш, кандай улутт зөвлөрүнүн автолисиз! Сиз кандай нөбөв ва бетакор мөрөс ворисларисиз! Ыз күч-ғай-ратингиз, билим ва қобильтягингиңиз, буюк Ватанимиз курдатига суюнб, мэррани баланд олинт, азиз болаларим!

Сиздинг эришадиган ҳар бир галабангиз – көртимиз галабаси, Ўзбекистон галабасидир.

Ислом КАРИМОВ

Жиззах Давлат педагогика институтыда «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамкорлигидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози-2012» иктидорли ёшлар кўриктанловининг вилоят босқичи галибларини тақдирилашга бағишиланган маросим ташкил этиди.

Жиззах вилоятida «Келажак овози-2012» танлови доирасида жами 4000 дан зиёд аризалар қабул килинди. Вилоят босқичида 810 нафардан зиёд ёшлар иштирок этиди. Маросимдати қидланганидек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаолиятини янада кенгайтириш, истеъодли ёшларни кенг камраб олиш мақсадидан мамлакатимиздаги олий ўкув юртларида ахборот маркази иши йўлга кўйилмоқда. Ахборот марказидан Ўзбекистон

маданияти ва санъати Форуми жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари ҳақидаги маълумотлар ва жаҳон адабиётининг намуналари жамланган кинич кутубхона ҳам жой олади.

Олий ўкув юрти битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, ёшлар учун мўлжалланган кўплаб лойихалар ҳақида батабаси маълумотлар бериш, турли хил лойихалар доирасида мавхуд бўлган кенг имкониятлар борасида тўғри маълумот етказиш, Фонд Форум ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази тадбирлари ҳақида батабаси ахборот тарқатиш, кизиқувчан, ташаббускор йигит-кизларнинг эзгуояларини кўллаб-куватлаш максадида очилган ушбу ахборот маркази билан биргаликда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, электрон кутубхоналардан маълумотлишучун белуп Wi-Fi-тингтернет худудларига ҳам асос солинди.



Олий ўкув юртида «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланималар» номинацияси бўйича тақлифлар, лойихалар тадқимоти, «Анъанавий ва амалий санъат», «Архитектура ва дизайн», номинациялари бўйича галибларнинг ишларидан иборат кўргазма ҳам йўлга кўйилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, «Келажак овози» танлови Республика босқичи-нинг галиблари келгисида олий ўкув юртларида ўқиш учун тълим гранти ёки «Келажак овози» номинациясининг маҳсус стипендиясини кўлга киритишади. Бундан ташқари, Фонд Форум, танлов жамоатчилик кенгаши ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигига лойиха галиблари ва фаол иштирокчиларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилиди. «Келажак овози» галибларини кўллаб-куватлаш Дастури» доирасида иштирокчиларнинг ёнгизизикарли лойихалари ҳаётта тадбиқ этилиб, уларни амала ошириш учун грантлар ажратилиди, ёшларнинг ҳалқаро фестиваль ва дастурларда иштирок эти-

ши, патентлар олишига амалий кўмак берилади.

Тадбирда галибларга «Келажак овози» танловининг маҳсус дипломлари, вилоят хокимилиги ва ҳоммий ташкилотларнинг кимматбаҳо совалари топширилиб, Республика босқичига йўлланманлар берилди.

Мен «Келажак овози-2012-танловининг вилоят босқичида

«Бадий ижод ва публицистика номинациясининг наср йўналиши бўйича иштирок этиб, 2-дараҷали диплом билан тақдирландим. Бутанлов мен учун имкониятлар эшигингин очилиши бўлди. Мўъжазгина ишмуга эътибор ва ишонч билдирилиши менга ўзгача кайфият, кучгайрат багишлади. Бу эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда янада оғла интилишига, Ватанимга муносаб фарзанд бўлишига ҳаракат кураман, - дейди Жиззах Давлат педагогика институти ҳузуридаги 2-академик лицензининг 1-boskiy ўкувчиси Севара Хайитбоева.

Дунёда битта эзгулик бор. Унинг номи – билим. Дарҳакиқат, «Келажак овози» танлови ҳам иктидорли ёшларни шу йўлда бирлашириди, уларнинг калбидаги илмга ташналини, юртнинг фаровонлиги учун қайгуриш, ўз-ўзининглаш каби фазилатлар намоён бўлишини тъминайди.

Моҳира ИСМОИЛОВА,
танлов иштирокчиси

рига тўлиқ риоя килиш лозим. Бунинг учун сабзавотлар, кўкатлар ва ҳар хил мева-ларни истеъомл олинишдан олдин камиди З марта тоза сувда ювиш лозим. Ҳамма вакт овқатланишдан олдин кўлни яхшилаб, камиди З марта тоза сувда соувнлаб ювиш шарт ва зарур.

Гижжаларга қарши курашиш учун таблеткалардан вермокс, зинтел, оргил кабиларни ишлатиш мумкин. Табий гиёҳлар ёрдамида ҳам, яни кунданлик турмушда учрайдиган бир неча ҳил ўсимликларни ташкилнишади. Гижжаларга ҳам гиҳжаларни хайдашда кўллаш мумкин. Буларга кўйи-даги ўсимликларни тавсия қиласиз. **Бурган** (иммий номи – *Artemisia annua L.*) ўсимлигининг ер усти қисми куритилиб, дамлама ҳолида ичилади. **Дала-чой** (иммий номи – *Nyhercum elongatum Ldb.*) ўсимлигининг ер усти қисмидан тайёрлан-тирилди.

Гиҳжаларни ташкилнишади. **Зираи кармон** (иммий номи – *Trachyspermum ammi L.*) ўсимлиги мевасидан тайёрланган препаратларни (настокка, сукок, экстракт, хушбўй сув) антиспектик, бактерицид, гижжа хайдашва йўталга қарши дори сифатида ишлатиш тавсия этилади. **Кашнич** (иммий номи – *Coriandrum sativum L.*) ўсимлиги меваси ҳам бавзан гижжаларни туширишади ишлатилиди. **Саримсок** (иммий номи – *Allium sativum L.*) ўсимлигининг қайнатмаси сийдик хайдовчи, гижжаларни туширувчи, иштаха очувчи сифатида ичиш тавсия этилади. **Седана** (иммий номи – *Nigella sativa L.*) уруғининг дамламаси тиш оғригини қолдиривчи, гижжа хайдовчи, ухлатувчи (боловар учун) дори сифатида ишлатилиди. **Шафтоли** (иммий номи – *Persica vulgaris Mill.*) ўсимлигининг қуритилмаган гул ёки барг шираси билан гижжа туширилди. **Ялпиз** (иммий номи – *Mentha*) ўсимлиги гижжа хайдовчи, қон тўхтатувчи ва кусишиш қарши тавсия этиувчи дори сифатида ишлатилиди.

Ковоқ (иммий номи – *Cucurbita pepo L.*) уруғини иштеп килиш тавсия этилади. Гижжаларни тушириш учун ковоқ уруғини эрталаб наҳорга (оқат емасдан олдин) 150-200 г (болалар учун 50-100 г) дан ейиш керак.

Юқоридаги көлтирилган даволаш чоралари албатта, шифокор маслаҳати асосида олиб борилиши шарт ва зарур.

Шерзод НУРАЛИЕВ,
Биология ва ИХФМ
йўналиши
4-босқич талабаси

СЕНТЯБР ОЙИННИГ ТАҚВИМИ

1-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мусатиллик куни (1991)
- Ўзбекистон ҳалқаро кўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлди (1992)
- Мирзо Улубек таваллудининг 600 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкентда хайкал ўрнатилди (1995)
- Тошкентда Олимпия шон-шуҳрати музейи очилди (1996)
- «Ўзбекистон» ҳалқаро анжуманлар саройи очилди (2009)
- Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналинишонланди (2009)

2-СЕНТЯБР

- Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жойиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни кабул килинди (1993)
- Ичи ишлар вазирлиги академияси ташкил этилди (1994)
- Ўзбекистон Республикаси Куроли кучлари академияси очилди (1995)
- Ўзбекистонда биринчи марта Марказий Осиё спорт ўйинлари олимпиадаси ўтказилди (1995)
- Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона коллежи (божхона институти-2003) очилди (1998)
- Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси коллежи очилди (1998)

3-СЕНТЯБР

- Тошкент Ислом университети очилди (1999)

4-СЕНТЯБР

- Абу Райхон Беруний таваллуд топган кун (973-1048)
- Жиззахда Учувчилар тайёрлаш олий ҳарбий билим юрти очилди (1994)

5-СЕНТЯБР

- Тошкентнинг бош майдонига «Мустакиллик майдони» номи берилди (1991)

6-СЕНТЯБР

- Янги «Chevrolet Captiva» автомобилининг таҳдимоти бўлиб ўтди (2011)

7-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон Республикаси ташкил иктисадий фабриялар Миллий банки ташкил топди (1991)
- Файласуф олим Иброҳим Мўминовнинг таваллуд куни (1908-1974)

8-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон ёнгин ҳафғозлилиги олий техник мактаби очилди (1993)
- Ҳалқаро саводхонлик куни (1996)
- Ҳалқаро журналистлар бирдамлиги куни (1958)

10-СЕНТЯБР

- Жаҳон хусн ва гўззалик куни
- Самарқанд шаҳрида Мирзо Улубек хайкали ва музеининг очилиши маросими бўлиб ўтди (2010)

11-СЕНТЯБР

- Ҳалқаро биринчи ёрдам кўрсатиш куни

12-СЕНТЯБР

- Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилиди (1992)

15-СЕНТЯБР

- Ҳалқаро артисти Шукур Бурхонов түғилган кун (1910-1987)
- Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Ойбек хайкалининг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди (2010)

16-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон Фанлар академиясининг Мирзо Улубек номидаги Астрономия институтига асос солинган кун (1973)
- Ҳалқаро азон қатламини муҳофаза қилиш куни (1994)
- Тошкентда Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор хайкали очилди (2007)

17-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор түғилган кун (1907-1968)

18-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон Ҳалқаро геология иттифокига аъзо бўлди (1992)

20-СЕНТЯБР

- Ўрмон хўжалиги ходимлари куни (1992)
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясида нутг сузлади (2010)

21-СЕНТЯБР

- Ҳамза театрига «Ўзбек Миллий академик драма театри» макоми берилди (2001)
- Ҳалқаро тинчлик куни (1981)

23-СЕНТЯБР

- Жаҳон иктисадиёти ва дипломатия универсиитети ташкил этилди (1992)
- Бурхониддин Марғилоний таваллуд куни (1123-1197)

24-СЕНТЯБР


- Тошкентда хорижда яшайдиган туркестонлик ватандошлар билан биринчи ҳалқаро учрашув бўлди (1991)

25-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон Республикаси миллий ҳафғозлилики ташкил этилди (1991)
- Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейи муносабати билан Шоирлар хиёбони очилди (1968)
- «Туркестон прес» НАА ташкил этилди (1998)

27-СЕНТЯБР

- Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди (2004)



НАВОЙХОНЛИК

* Алишер Навоий 1480-1500 йиллар мобайнида ўз маблагпари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 работ (сафардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 9 та кўприк, 20 та ҳовуз, 9 та ҳаммом курдиради. Ҳусайн Бойкаро Алишер Навоийга "Муқарраби ҳазрати султоний" ("Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси") деган унвонни берди.

* Алишер Навоий таржи-маи холи ўз даврида Хондамир, Восифий, Ҳусайн Бойкаро, Бобур каби тарихи ва давлат арбобларининг асарларида акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар қадемияси Шарқшунослик институтида Ҳавоий қаламига мануб 24 асарнинг 254 та ўлётмаси сакланади, ҳарнинг аксарияти

Машҳадий (1487 йил), Абдужамил котиб (1487-1488 йиллар) томонидан кўчирилган.

* Алишер Навоининг ҳайкали дунёнинг Москва, Боку, Токио шаҳарларида ўрнатилган.

"Махбуб ул кулиб" дан

Ҳак йўлида ким сенга ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳар кимсаки, айламас ошукмогни ҳаёл,
Яғроғни ипак қилир, чечак баргини бол.

Эр кишига зебу зийнат хикмату донишдурур,
Яхши киймак бирла хотунларга оройишдурур.

Эл айбини айтурға бирор ким, узотур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

Илм ўқув, қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

девонларнинг нусхалари. Навоий девонлари профессор X. Сулеймон томонидан йиғилиб, тасниф этилган. "Илк девон" Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасида сакланади. "Наводируннхоя" асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар қадемияси Шарқшунослик институтида сакланадиган нусхалари ниҳоятда нодир бўлиб, улар Навоий даврида ҳиротда Султон Али

девонларнинг нусхалари. Навоий девонлари профессор X. Сулеймон томонидан йиғилиб, тасниф этилган. "Илк девон" Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасида сакланади. "Наводируннхоя" асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар қадемияси Шарқшунослик институтида сакланадиган нусхалари ниҳоятда нодир бўлиб, улар Навоий даврида ҳиротда Султон Али

Ўқувчилар машқларида

ВАТАНГАДОЛАР

Тузинг томиб сўнг тупурдилар,
Содда бир ҳалқ деб қутурдилар,
Юрт тинчлигин кўролмадилар,
Юрагида энди армонлар.

Яшомлайди бўлиб кўнгли тўқ,
Тұнлари ҳам ҳаловати йўқ,
Юрагига санчилгандай йўқ,
Виждан азобида қийналар,

Қийнар уни ҳар он хаёллар,
Ўз-ўзига берар саволлар,
Кеч етади тинчлик қадрига,
Минг пушаймон ватангадолар.

ПАНОҲИДА ОЛЛОҲ АСРАСИН!

Ҳаётда ҳеч армон бўлмасин,
Қалбингиздан иймон кетмасин,
Бахтии қунлар ҳеч тарқ этмасин,
Паноҳида оллоҳ асрасин!

Оллоҳга минг ишқур қиласман,
Мудом бор экан танимда жон,
Сизларга баҳт ташайман ҳар он,
Паноҳида оллоҳ асрасин!

Зулмат, қора түннинг қаҳридан,
Совуқ шамол, бўрон қаҳридан,
Ёмонларнинг ҳийла-макридан,
Паноҳида оллоҳ асрасин!

УмидА КАРИМОВА,

Жиззах шаҳридаги Ойбек номли 7-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси

«КАМОЛОТ»ДАН МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Қенгашша шафөълигига мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларни маънавий-моддий рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган грантнинг соҳиблари номи «Мустаҳкам оила Ҳилининг сентябр ойи бошланган кезларда маънум қилинди. 2011-2012 ўқув йилининг якунига кўра «Камолот» таълим гранти билан тақдирланган билимга чанқоқ талабалар орасидан Жиззах Давлат педа-

гогика институтининг талабаси Фарида Тошпӯлатова ҳам жой олди.

Олий ўқув юртнинг мактабгача таълим йўналишининг 1-босқичини яхши кўрсаткичлар билан тутагатан бўлажак мутахассиснинг изланишларига муносиб баҳо берилгани барчани мамнун қилди. Факультет раҳбарияти томонидан иқтидор эгаларининг салоҳиятини юзага чиқариш бўйича ишлар давом этаяти.

Ю. РАҲМАТУЛЛАЕВ

Укинг, қизик!

Эйнштейннинг хати 3,1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ

Ривохланган мамлакатларда тарихий шахсларга тегишил бўлган нарсаларнинг «қимошди?» савдоси орқали каттагина маблалга сотиб олиниши одат тусига кирган. Асли германиялик бўлган машҳур физик Альберт Эйнштейннинг диний мавзуга оид хати АҚШнинг «Ева» кимошди савдо-сида 3,1 миллион АҚШ долларига сотилди. Лекин хатни харид килингариорларнинг шахси сир тутилмоқда.

«Қимошди?» савдоси вакилларнинг айтишича, 1954 йил 3 январда мазкур мактуб АҚШнинг Принстон университетида ишлаган немис файласуфи Эрик Гуткинга жўнатилган экан. Эйнштейннинг ўлимидан бир йилаввал ёзилган, утган асрнинг энг шов-шувли хати олимнинг шахсий коллекциясида эллик йил сакланган.

Кашандалар стипендиясиз қолади

Бугунгий кунда дунёни ташвишга солаётган глобал муммомлардан бири кашандалик ҳисобланади ва унга қарши кескин кураш кетмокда. Баъзи мамлакатларда худди кортимиизда бўлгани қаби спиртли ичимликлар истеъмоли билан бирга тামаки чекиши чеклаш тўғрисида ҳам қонун даражасида чоралар кўрилмоқда.

қайд этилган.

Маълумотларда қайд этилишича, яқин орада кучга кирадиган мазкур қарорга кўра, тамаки чекувчи талабалар аввалига расман огоҳлантирадилар ва қонунбузарлик кузатилса стипендияси қисқартирилади. Қарор талабларига риоя этмаганлар эса стипендиядан бутунлай маҳрум бўлиши ҳам мумкин.

Ажойшб вое

1985 йил 19 сентябр куни Мехикода содир бўлган кучли зилзиладан сўнг ўн кун ўтиб, вайронга бўлган туркужона тагидан ўлмай қолган йигирма тўрт нафар ҷақалокни топишган. Уларнинг ахволи фавқуяодда аянчили эди.

Мутахассислар буни бакириб, чинқириб йиглаган чақалокларнинг ўзига хос гипотермия ҳолатига тушшигани билан изоҳлашди. Кучни эса уларда етарлича бўлган ёт тўқималаридан олишган. Назарий жиҳатдан гўдаклар овқатсиз салкам бир ойча яшашлари мумкин, дегани бу. Ўн кун мобайнида овқат емагани учун уларда иштаҳа бутунлай йўқолган, ички ёғлардан эса тирик қолишлири учун етарли миқдорда сув ажралиб турган. Колаверса, уларнинг ўзларини қандай хавф кутаётганиларни англамасликлари тирик қолишлири учун ҳам ёрдам берган. Катта ўшдаги одам эса ўз қўркуви ва вахимасини енгиш учун катта куч сарфлайди. Шундай қилиб, чақалоклар биз билгандан кўра яшовчанроқ экан.

Гугурут қандай пайдо бўлган?

Инсон ишқалаш натижасида олов ҳосил қилишни ўзлаштириб олди. Бирок уни такомиллаштириш лозим эди. Бунга турли даврларда турли қашфиётчилар уриниб кўришган.

Изланишлар такомиллашиб, хозир кундалик ҳаётда фойдаланилди. Олов ҳосил қилиш учун фосфордан фойдаланиш гоясини 1816 йилда франциялик ихтиорчи Дерсонга илгари сурган. 1833 йилда эса немис ихтиорчиси Бетгер бошида фосфор бўлмаган, бироқ худди шундай таркибида қизил фосфорли юзага ишқаланса ёнадиган гугурт чўлларини қашф қилди. Ушбу гугуртлар хавфсиз, деб тан олинида ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Гугуртлар дастлаб, Европада кенг таржалган.

Хозирги гугурт чўлларининг бошига Бертоле тузи, елим ва олтингугурт сурлади. Гугурт қутисининг ишқалаб ён юзаси эса қизил фосфор, сурма сульфиди ва сукрелими аралашмаси билан конланади.

Зиё чашмаси

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти

Бош мухаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишига топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00 Навбати: М. Абдуллаев

Манзил:

Ш. Рашидов шоҳ кучаси,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах
Давлат педагогика институти.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasichap etildi.
Korxonha manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiljoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № . Shaki-A-3.